

**“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти**  
**ягона акциядорининг 24 – сонли**  
**ҚАРОРИ**

“25” 04 2018 йил

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 58-моддасида барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмаслиги ва мазкур Қонун ҳамда жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилиниши ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши белгиланган.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг ягона акциядори Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази (кейинги матнда ДАБМ) ҳисобланади.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг юқори бошқарув органининг ваколатига қирадиган қуйидаги масалалар бўйича қарор ягона акциядор томонидан қабул қилинади.

**1. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.**

**2. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Бошқарув раисининг биринчи ўринбосарини тайинлаш.**

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг Бош менеджер – бош муҳандис Х.Н.Хасиловнинг ахбороти тингланди.**

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ягона акциядорининг 2018 йил 20 февралдаги 28-сонли қарорига мувофиқ жамият томонидан чиқарилган, номинал қиймати 430 сўм бўлган 7 469 792 352 дона 3 212 010 711 360 сўмлик акциялар тўлиқ жойлаштирилди ва жами чиқарилган умумий қиймати 5 579 856 257 000 сўмлик 12 976 409 900 дона акцияларни ташкил этганлигини билдирди.

Шунингдек, бугунги кунда жамият, устав капиталини ошириш учун оддий, эълон қилинган номинал қиймати 430 сўм бўлган умумий қиймати 6 450 000 000 000 сўмлик 15 000 000 000 дона қўшимча акцияларни жойлаштириш ҳуқуқига эга.

Юқорида кўрсатиб ўтилган “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ юқори бошқарув органи қарорига асосан чиқарилган акциялар жойлаштирилгач, жамият устав капиталини ошириш учун оддий, эълон қилинган акциялар сони камайиб, умумий қиймати 3 237 989 288 640 сўмлик 7 530 207 648 дона қўшимча акцияларни жойлаштириш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 66-сонли қарорига асосан жамият уставига киритилаётган ўзгартириш

ва қўшимчалар матни янги таҳрирда чоп этилиб, “Ягона дарча” марказида рўйхатдан ўтказилади (жамиятнинг янги таҳрирдаги устави илова қилинади).

Юқоридагиларни инобатга олиб, жамият ягона акциядори **кун тартибдаги биринчи масала бўйича қарор қабул қилади:**

1.1. Жамият устав капиталининг миқдори 12 976 409 900 дона оддий акцияларга бўлинган 5 579 856 257 000 сўм этиб белгилансин.

1.2. Жамият устав капиталининг ошириш учун оддий, эълон қилинган номинал қиймати 430 сўм бўлган умумий қиймати 3 237 989 288 640 сўмлик 7 530 207 648 дона қўшимча акцияларни жойлаштириш ҳуқуқига эга этиб белгилансин.

1.3. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг янги таҳрирдаги устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.


**Кун тартибдаги иккинчи масала бўйича,** Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги 262-сонли қарорига мувофиқ Фазлитдин Фатхуллаевич Сағдуллаев “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари этиб тасдиқланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, жамият ягона акциядори **кун тартибдаги иккинчи масала бўйича қарор қабул қилади:**

2.1. Фазлитдин Фатхуллаевич Сағдуллаев “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари этиб тайинлансин.

2.2. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Фазлитдин Фатхуллаевич Сағдуллаев билан белгиланган тартибда меҳнат шартномаси тузилсин.

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ  
ягона акциядори**



**Б. Хайдаров**